



PROBLEMS OF USING WORDS IN UZBEK LANGUAGE SPORTS COMMENTARY

Ilyas Rustamov

Head of "Multilingo Academy" educational center

ilyosrustamov14@gmail.com

+998909102088. Tashkent, Uzbekistan

<https://doi.org/>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024

Accepted: 08th October 2024

Online: 09th October 2024

KEYWORDS

Linguistic culture, sports
lexicon, sports
commentators, terms,
adopted words.

ABSTRACT

In this article, the origin of the sports lexicon, which is actively used in the speech of Uzbek sports commentators, and the influence of the English language on the Uzbek sports linguistic culture are considered. Emphasis is placed on phonetic and morphological aspects of acquired words. The importance of sports terms in connecting the Uzbek language and foreign languages is emphasized.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СПОРТ ШАРҲЛАРИДА ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Илёс Рустамов

"Multilingo Academy" ўқув марказ раҳбари

ilyosrustamov14@gmail.com

+998909102088. Тошкент, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13908482>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024

Accepted: 08th October 2024

Online: 09th October 2024

KEYWORDS

Лингвомаданият, спорт
лексикаси, спорт
шарҳловчилари,
терминлар, ўзлашган
сўзлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ўзбек спорт шарҳловчилари нутқида фаол қўлланиладиган спорт лексикасининг келиб чиқиши, ўзбек спорт лингвомаданиятига инглиз тилининг таъсири кўриб чиқилган. Ўзлашган сўзларнинг фонетик ва морфологик жиҳатлариغا эътибор қаратилган. Спорт терминларининг ўзбек тили ва хорижий тиллар ўртасида узвий ришталарни боғлашдаги аҳамияти таъкидлаб ўтилган.

Иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик турли тилларда сўзлашувчилар, турли ижтимоий табақалар ва бутун халқлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар тараққий топишига ёрдам бериши яхши маълум. Ўзбек тили ривожланишининг ҳозирги босқичи тилимизда шу пайтгача ишлатилмаган ёки кам қўлланган сўз ва ибораларнинг луғат бойлигимиздан муқим жой эгаллаши билан тавсифланади. Шу муносабат билан хорижий тиллардан олинган лексика соҳасидаги тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.



Мазкур мақола ўзбек тилида спорт терминологиясининг шаклланиши, унинг спорт журналистлари, хусусан шарҳловчилар нутқида қўлланиши муаммосига бағишланган. Ўзбек тилида спорт луғати бойишининг асосий манбаи хорижий тиллардан терминларни ўзлаштириш экани эътиборга молик. Мамлакатимиз тилшунос олимлари лексикага бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришган, лекин бевосита спорт соҳасидаги сўз ва иборалар диққат марказидан четда қолиб келган. Ҳ.Рафиев, Ш.Бутаевнинг “Инглизча- ўзбекча-русча спорт атамалари луғати” [2], Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида З.Ю.Сатторова муаллифлигидаги “Краткий спортивный тематический словарь” луғати [3], З.С.Логинованинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун инглиз тилидан рус тилига кириб келган спорт соҳаси сўз ва ибораларига бағишланган диссертацияси [1], М.Тўхтамирзаевнинг спорт атамаларининг ўзбек тилида қўлланишига оид қатор мақолалари [4,5,6] каби ишларни келтириб ўтишимиз мумкин. Бироқ, ўзбек тилида жисмоний маданият ва спорт билан боғлиқ атамалар чуқур таҳлил қилинган йирик тадқиқот ҳанузгача мавжуд эмас. Шу муносабат билан термин ва ибораларни атрофлича ўрганиш спорт шарҳловчилари нутқини янада мазмунли ва қизиқарли қилишига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Биз мавзуга мурожаат қилишимиз баробарида ўзбек тилида спорт билан боғлиқ атамалар аксарият ҳолларда хорижий тиллардан, биринчи навбатда, инглиз тилидан ўзлаштирилгани ва бундай ўзлашмалар сони муттасил ортиб бораётганига ишонч ҳосил қилдик.

Инглиз спорт терминологияси ўзбек тилига бевосита эмас, балки асосан рус тили воситасида кириб келганини эътироф этиш жоиз.

Футбол атамалари Буюк Британияда пайдо бўлгани бежиз эмас. Футбол спорт тури сифатида айнан шу мамлакатда шаклланигани, ўйин қоидаларининг катта қисми Англияда ишлаб чиқилиб дунёга тарқалгани барчага маълум.

Футбол, гол, пенальти, голкипер, плеймейкер, форвард, бомбардир, аут, матч, фол каби кўплаб инглиз сўзлари аллақачон ўзбеклар учун ўз мулкига айланиб бўлган. Шу билан бирга тилимизда уларнинг айримларининг муқобили борлигини спорт шарҳловчилари унутиб қўйишаётгани ачинарли. Жумладан, дарвозабон, ҳужумчи, жарима ва бошқа сўзлар тобора кам қўлланилаётганига дуч келмоқдамиз.

Шу билан бирга сўнгги йилларда тилимизга шарҳловчилар нутқида кўп учраётган дисквалификация, коуч, камбэк, лонгбол, корнер, вингер, хавбек, страйкер каби янги ўзлашмалар кириб келмоқда.

Ўзлашмалар нафақат футболга, балки от спортига, чавандозликка ҳам оид эканига мисоллар келтириб ўтиш мумкин. От спорти мусобақалари диёримизда қадимдан маълум ва машҳур. Пойга, кўпкари, от йўрттириш, поло ва бошқалар халқимиз орасида кенг тарқалгани ҳақида манбалар бор.

Ўзбек тили от спорти терминологиясига ҳам ўзлашмалар ўз таъсирини ўтказгани диққатга сазовор. Телевидение орқали мусобақалардан уюштирилган репортажлар таъсирида ҳандикап (гандикап), жокей, галлоп, аллюр, конкур каби сўзларни айнан от спортига оид маъносида биладиганлар кўп топилади.



Ўзлашмалар фонетика қонунлари, грамматика, сўз ясалиш қоидалари ва ўзлаштирган тилнинг семантик тизимига бўйсунди. Инглиз тилидан рус тили орқали ўзлаштирилган ўзбек спорт атамаларининг фонетик ва морфологик ўзгаришини эътироф этиш зарур.

Майдоннинг марказий қисмида кўпроқ ҳаракат қилиши кўзда тутилган футболчиларни ўзбек шарҳловчилари русча орқали ўзбекчалаштирилган ярим ҳимоячи дейишлари кўп учрайди. Ваҳоланки, рус шарҳловчилари инглизчадан ўзлаштирилган хавбек сўзидан ҳам фаол фойдаланишади. (русча хавбек < инглизча halfback, half — «ярим» и back — «ҳимоячи»).

Қишки спорт турларида ҳам бу каби ҳолатлар кўп топилади. Русча орқали инглиз тилидан кирган фристайл. (русча фристайл < инглизча free style), сноуборд (русча сноуборд < инглизча snowboard, snow — «қор» ҳамда board — «тахта») сўзларини мисол сифатида келтириш ўринли.

Сўз бошида **г** ёки **х** ҳарфлари алмашиши кузатилади. Масалан, ўзбекча қўл тўпи (русча гандбол < инглизча hand-ball (hand-“қўл” ва ball-“бол”).

Шарҳловчилар ўзлашмалар инглизча ёки русчада баъзан бир хил, бошқа ҳолларда фарқли талаффуз қилинишини инobatга олишлари зарур. Кўпчилик учун мақбул вариантдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Масалан, қўл тўпи спорт турини **гандбол** тарзида айтилиши кўпчилик учун табиий туюлади.

Инглиз тилидан олинган спорт атамалари морфология нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, қуйидаги хусусиятларни учратиш мумкин:

- сўз ўзагида **-инг** қўшимчасининг келиши, масалан: бодибилдинг (body building), виндсерфинг (windsurfing), кикбоксинг (kickboxing), сноубординг (snowboarding);
- сўзлар ўзагидаги **-мен** ва **-тайм**: лайнсмен (linesman), тайм (time), тайм-аут (timeout), қўшимча вақт маъносида овертайм (overtime).
- сўзларда **-бол** ўзаги мавжуд. Буларга футбол (инглизча football: foot – “оёқ” ва ball – “тўп”), баскетбол (basketball: basket – “сават” ва ball – “тўп”), қўл тўпи (инглизча handball: hand – “қўл” ва ball – “тўп”) кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилига бошқа тиллардан спорт атамаларини ўзлаштириш нафақат тилнинг спорт терминологияси шаклланишига, балки унинг лексик тизими ривожланишига ҳам хизмат қилади. Инглиз спорт терминларидан ўзлашмалар кўпайишининг асосий сабаби замонавий олимпия ўйинлари дастуридан жой олган аксарият спорт турларининг ватани аҳолисининг катта қисми инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар эканлигидадир. Ўзбекистонда спорт ҳамда унинг қатор янги турлари оммавийлашиб бораётгани боис телевидение орқали репортажларда шарҳловчилар мазкур спорт турига оид терминларни ўз нутқида ишлатиши ҳам муҳим омил бўлмоқда.

References:

1. Логинова З.С. Англицизмы в спортивной терминологирусско-го языка: синхронно-диахроническая характеристика: дис. канд. фи-лол. наук. -Ташкент, 1978. - 181 с.



2. Рафиев Х., Бутаев Ш. Инглизча- ўзбекча-русча спорт атамалари луғати. – Т., 2017. – 164 б.
3. Сатторова З.Ю. Краткий спортивный тематический словарь. – Т., 2004. – 44 с.
4. Тўхтамирзаев М. Академик Алибек Рустамов ва бокс атамаларининг ўзбек тилида қўлланилиши // “Ўзбек туркшунослигининг уч дарғаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тўплами. - Т.: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021. – Б. 118-122.
5. Тўхтамирзаев М. Футбол терминлари ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида (футбол учрашуви иштирокчиларининг номланиши мисолида) // “Таржиманинг лингво-когнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспекти” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон: “Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ, 2015. – Б. 40-43.
6. Тўхтамирзаев М. Шарҳловчи ва футбол лексикасининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да акс этиши // “Ўзбекистонда замонавий луғатшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари (бир тилли, кўп тилли, терминологик ҳамда электрон луғатлар тузиш масалалари)”. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. - I қисм / масъул муҳаррир Солижонов С. О. - Андижон: "Андижон давлат университети" нашриёти, 2023. – Б. 150-153.